



## О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 19 » ноябрь

№ 732

Toshkent sh.

### **Курилиш соҳасида ахборот тизими ва географик ахборот технологияларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Курилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 сентябрдаги ПҚ-4464-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорликни ва қурилиш жараёнининг барча босқичларини ракамлаштиришни ташкил қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан:

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) марказлаштирилган молиялаштириш манбалари хисобига барпо этилаётган Тошкент вилоятидаги объектларни қуриш жараёнида эксперимент тариқасида синаб кўрилганлиги;

давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш ва жамоатчиликка шаҳарсозлик хужжатлари ва ахборотни онлайн режимида тақдим этиш имконияти мавжуд бўлган “Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри” географик ахборот тизими (кейинги ўринларда – геопортал) ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

“Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри” географик ахборот тизими тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ва “Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри” географик ахборот тизимини янада ривожлантириш ва унинг “Электрон хукумат” тизимига интеграциялашуви бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ахборот тизими ва геопорталнинг келгусида самарали ишлаши, шунингдек, “Электрон хукумат” тизимига интеграциялашуви учун масъул ваколатли орган этиб белгилансин.

4. Қуйидагилар ахборот тизимининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

объектларнинг манзилли дастури, тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган объектларнинг йиллик манзилли рўйхати шакллантирилишини, маълумотлар базаси янги курилиш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш объектлари бўйича турларга бўлиб юритилишини таъминлаш;

объектларнинг лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда худудий ягона буюртмачи хизмати инжиниеринг компаниялари томонидан лойихаолди ишларининг амалга оширилиши, буюртмачи билан лойиха ташкилоти ўртасида шартнома тузилиши ва аванс маблаглари ажратилиши ҳамда ишлар тугалланганлиги тўғрисидаги аниқ ва ишончли маълумотларнинг мунтазам электрон базага киритиб борилиши ва юритилишини таъминлаш;

ложиха-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиша буюртмачи ва экспертиза ташкилоти ўртасида тузилган шартномалар, кўрсатилган хизматларнинг молиялаштирилганлиги, тугалланган лойиха-смета ҳужжатларининг экспертизадан ўтказилганлигига оид электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

объектлар курилишини молиялаштиришда пудратчи билан буюртмачи ўртасида шартнома имзоланганлиги ва аванс маблағлари тўланганлиги, ойма-ой бажарилган ишларнинг ҳисботини юритиш ва бажарилган ишларга нисбатан мутаносиб равища молиялаштирилганлиги тўғрисидаги аниқ ва ишончли маълумотларнинг электрон базасини шакллантириш;

объектлар қурилишида иштирок этаётган барча пудратчилар ва ёрдамчи пудратчилар ҳақида маълумотларни йиғиш, бажарилган иш ҳажмлари асосида тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, улар томонидан амалга оширилаётган иш турлари бўйича маълумотлар базаларини шакллантириш;

объектларда қурилиш жараёнларини назорат қилиш ва мониторинг олиб борища уларни рўйхатга олиш, қурилиш соҳасида худудий назорат инспекциялари томонидан амалга оширилаётган назорат текширувларини ва кўрсатиб ўтилган камчиликларни қайд этиш, уларни бартараф этиш бўйича маълумотлар базаларини шакллантириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг геопорталнинг операторлик функцияларини “Қурилишда муҳандислик изланишлари, геоинформатика ва шаҳарсозлик кадастри лойиха илмий-тадқиқот институти” ДУКга юклаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

а) Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда қурилиш соҳасидаги хизматларни кўрсатиш тартиботларини хатловдан ўтказиб, талаб этиладиган маълумотларни оптималлаштириш ва давлат хизматлари кўрсатиш муддатларини қисқартиришни назарда тутувчи норматив-хукукий ҳужжат лойихасини 2021 йил 1 январга қадар Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

ахборот тизими ва геопортал узлуксиз ишлаши, маълумотлар ўз вақтида янгиланишини таъминлаш бўйича тегишли йўриқнома ва регламентни ишлаб чиқсин ҳамда бир ой муддатда тасдиқласин;

ахборот тизими ва геопортал доирасида давлатнинг бошқа органлари ва ташкилотлари билан ҳимояланган идораларо электрон ҳамкорликни ташкил қилиш чораларини кўрсин;

в) ахборот тизимида курилиш соҳасида лойиҳа-смета хужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган барча ташкилотлар томонидан курилиш обьектлари бўйича берилган экспертиза хulosалари тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида юритилиши тўлиқ тартибга солинишини таъминласин;

г) Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, мутасадди вазирликлар ва идоралар ҳамда ижро этувчи хокимият органларининг Ягона буюртмачи хизматлари билан биргаликда марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштириладиган курилиш обьектлари бўйича маълумотлар ахборот тизимида шакллантирилиши устидан тизимли мониторинг олиб борсин.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ушбу қарорнинг мақсади ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқукий хужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг биринчи ўринbosари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси курилиш вазири Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил "19" ноябр даги 732-сон қарорига  
1-илова

## “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими)нинг шаҳарсозлик фаолияти тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланувчи субъектларнинг вазифалари, жавобгарлиги ҳамда ишлаши тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ахборот тизими** – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган ахборот ресурслари жамланмаси, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари;

**ахборот тизими фойдаланувчиси** – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёки томонларнинг келишувига кўра ахборот тизимидағи ахборот ресурсларидан фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахслар;

**ахборот тизими иштирокчisi** – идоравий маълумотлар базалари ахборот тизимида интеграция қилинган вазирликлар ва идоралар ҳамда ахборот тизимидан фойдаланувчилар;

**ахборот хавфсизлиги** – ахборот ва қўллаб-куватловчи инфратузилманинг табиий ёки сунъий тусга эга, ахборот муносабатлари субъектларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган тасодифий ёки қасдан қилинадиган таъсирлардан муҳофаза қилинганлиги;

**идоралараро интеграциялашув платформаси** – электрон давлат хизматларини кўрсатиш ва электрон ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш доирасида “Электрон ҳукумат”нинг ахборот тизимларини интеграциялаш учун мўлжалланган ахборот-дастурий воситалар жамланмаси.

3. Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ахборот тизимнинг оператори ҳисобланади.

Ахборот тизими доирасида идоралараро ахборот алмашинуви белгиланган тартибда бепул амалга оширилади.

4. Куйидагилар ахборот тизими иштирокчилари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги;

ҳудудий қурилиш бош бошқармалари, туман ва шаҳар қурилиш бўлимлари;

Курилиш соҳасида назорат инспекцияси ва Курилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари;

экспертиза идоралари;

Молия вазирлиги;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда вазирликлар ва идоралар хузуридаги Буюртмачи хизмати инжиниринг компаниялари;

буюртмачи, лойиҳачи ва пудрат ташкилотлари ва бошқа шаҳарсозлик фаолияти субъектлари.

5. Ахборот тизимининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

объектларнинг манзилли дастури, тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган объектларнинг йиллик манзилли рўйхати шакллантирилишини, маълумотлар базаси янги курилиш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш объектлари бўйича турларга бўлиб юритилишини таъминлаш;

объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиша ҳудудий ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниялари томонидан лойиҳаолди ишларининг амалга оширилиши, буюртмачи билан лойиҳа ташкилоти ўртасида шартнома тузилиши ва аванс маблағлари ажратилиши ҳамда ишлар тугалланганлиги тўғрисидаги аниқ ва ишончли маълумотларнинг мунтазам электрон базага киритиб борилиши ва юритилишини таъминлаш;

loyiҳa-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиша буюртмачи ва экспертиза ташкилоти ўртасида тузилган шартномалар, қўрсатилган хизматларнинг молиялаштирилганлиги, тугалланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизадан ўтказилганлигига оид электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

объектлар қурилишини молиялаштиришда пудратчи билан буюртмачи ўртасида шартнома имзоланганлиги ва аванс маблағлари тўланганлиги, ойма-ой бажарилган ишларнинг ҳисботини юритиш ва бажарилган ишларга нисбатан мутаносиб равища молиялаштирилганлиги тўғрисидаги аниқ ва ишончли маълумотларнинг электрон базасини шакллантириш;

объектлар қурилишида иштирок этаётган барча пудратчилар ва ёрдамчи пудратчилар ҳақидаги маълумотларни йиғиш, бажарилган иш ҳажмлари асосида тўловларни ўз вактида амалга ошириш, улар томонидан амалга оширилаётган иш турлари бўйича маълумотлар базаларини шакллантириш;

объектларда қурилиш жараёнларини назорат қилиш ва мониторинг олиб боришда уларни рўйхатга олиш, қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан амалга оширилаётган назорат текширувларини ва қўрсатиб ўтилган камчиликларни қайд этиш, уларни бартараф этиш бўйича маълумотлар базаларини шакллантириш.

## 2-боб. Ахборот тизими иштирокчиларининг вазифалари

6. Ахборот тизими таркибига кирувчи “Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш” ахборот тизимининг ишлаш схемаси ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакллантирилади ҳамда қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

ахборот тизими томонидан автоматик равища архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш учун электрон шаклда тушган мурожаат тегишлилиги бўйича ҳудудий қурилиш бошқармасига юборилади;

ҳудудий қурилиш бошқармаси сўровномада кайд этилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текширади;

ҳудудий қурилиш бошқармаси архитектура-режалаштириш топшириғини ахборот тизимида ишлаб чиқади, электрон шаклда расмийлаштиради ва ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди;

ҳудудий қурилиш бошқармаси архитектура-режалаштириш топшириғини мурожаат қилувчининг электрон манзилига юборади ва бу хақида уни ахборот-коммуникация тизимлари орқали хабардор қилади;

ахборот тизими автоматик равища тасдиқланган архитектура-режалаштириш топшириғини ягона маълумотлар базасига жойлаштиради.

7. Ахборот тизими таркибига кирувчи “Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш” ахборот тизимининг ишлаш схемаси ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакллантирилади ҳамда қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

ахборот тизими томонидан автоматик равища лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича тушган мурожаат топширикни шакиллантириш учун “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК, унинг ҳудудий филиали ёки шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасини амалга ошириш учун белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган тадбиркорлик субъектлари (кейинги ўринларда – экспертиза идораси) раҳбарига юборилади;

экспертиза идораси раҳбари лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича электрон шаклда тушган мурожаатни кўриб чиқиш учун экспертиза идорасининг бош экспертига юборади;

экспертиза идорасининг бош эксперти лойиҳа-смета ҳужжатларининг тўлиқлигини кўриб чиқиш ва тўлиқ бўлган тақдирда, экспертиза бўйича шартномани тайёрлаш учун экспертиза идорасининг шартномалар бўлимига юборади;

экспертиза идорасининг шартномалар бўлими лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун шартномани тайёрлайди ва буюртмачига юборади ҳамда буюртмачи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича тўлов амалга оширилгандан сўнг бош экспертиза идорасининг бош экспертига ҳабарномани юборади;

экспертиза идорасининг бош эксперти тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги ҳабарномани олгандан сўнг лойиҳа-смета ҳужжатини экспертизадан ўтказиш бўйича мурожаатни бажариш муддатини белгилаган ҳолда экспертиза идорасининг муайян экспертига юборади;

экспертиза идорасининг эксперти объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш ҳамда экспертиза натижаси бўйича маълумотларни ахборот тизимига киритиш ва экспертиза хulosасини тайёрлаш учун экспертиза идорасининг бош экспертига юборади;

экспертиза идорасининг бош эксперти экспертиза идорасининг эксперти томонидан тақдим этилган маълумотларни қўриб чиқади, уларга асосан экспертиза хulosасини тайёрлайди ҳамда экспертиза хulosасини тасдиқлаш учун экспертиза идорасининг раҳбарига юборади;

экспертиза идорасининг раҳбари экспертиза хulosасини ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлади ва буюртмачига юборади;

ахборот тизим томонидан автоматик равишда экспертиза хulosаси ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатлари ягона электрон реестрга жойлаштирилади.

8. Ахборот тизими таркибига кирувчи “Курилиш назорати” ахборот тизимининг ишлаш схемаси ушбу Низомга З-иловага мувофиқ шакллантирилади ҳамда қўйидаги босқичларда амалга оширилади:

ахборот тизими автоматик равишда объект қурилишини (реконструкциясини) бошлаш ҳақида электрон шаклда тушган ҳабарномани тегишлилиги бўйича Курилиш соҳасида худудий назорат инспекциясига юборади;

Курилиш соҳасида худудий назорат инспекциясининг шартномалар бўлими қурилиш (реконструкция) обьекти бўйича қурилиш ишлари назоратини олиб бориш учун шартномани тайёрлайди, обьект тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизимига киритади, обьект бўйича буюртмачининг техник назорати, лойиҳачининг муаллифлик назорати ва пудратчининг ички назорат ходимларига ахборот тизимида шахсий кабинетларини рўйхатдан ўтказади ҳамда шартнома бўйича тўлов амалга оширилганидан сўнг қурилш обьекти топширигини шакллантириш учун Курилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси раҳбарига юборади;

Курилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси раҳбари қурилиш обьекти бўйича инспекция инспекторини бириктиради;

Курилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси инспектори қурилиш (реконструкция) обьекти жойлашган худудга чиқсан ҳолда назорат ишларини олиб боради, назорат натижаларида қурилиш меъёрларини бузиш ҳолатлари аниқланса, ушбу ҳолатларни тасдиқловчи фотосуратларни бириктирган ҳолда ахборот тизимига киритади, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларининг бажарилишида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича ёзма кўрсатмани расмийлаштиради ҳамда буюртмачининг техник назоратига, лойиҳачининг муаллифлик назоратига ва пудратчининг ички назоратига тақдим этади;

буортмачи, лойихачи ёки пудрат ташкилоти аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда инспекция инспекторига тақдим этади, камчиликлар бартараф этилгандан сўнг тегишли далолатномани тузади ҳамда инспекция инспекторига тақдим этади;

инспекция инспектори буортмачининг техник назорати, лойихачининг муаллифлик назорати ва пудратчининг ички назорати томонидан ахборот тизимиға киритилган маълумотларни текширади, буортмачининг техник назорати, лойихачининг муаллифлик назорати ва пудратчининг ички назорати фаолиятини назорат қиласди.

9. Ахборот тизими таркибиға киравчи “Инвестиция дастурига мувоғик объектлар мониторингини олиб бориш” ахборот тизимининг ишлаш схемаси ушбу Низомга 4-иловага мувоғик шакллантирилади ҳамда қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

Курилиш вазирлиги Инвестиция дастурига мувоғик қурилиш объектларини ахборот тизимиға киритади;

Курилиш вазирлиги ахборот тизимиға киритилган қурилиш объектлари бўйича ҳудудий ягона буортмачи хизмати инжиниринг компанияларининг шахсий кабинетларини очади;

Ягона буортмачи хизмати инжиниринг компаниялари қурилиш обьекти бўйича қурилиш жараёнида ишлаб чиқилган архитектура-режалаштириш топшириғини, лойиха-смета ҳужжатларини, тузилган шартномаларни ва бошқа тегишли ҳужжатларни ахборот тизимиға юклайди;

Курилиш вазирлиги Ягона буортмачи хизмати инжиниринг компаниялари томонидан киритилган маълумотлар ва ҳужжатларни назорат қиласди ҳамда ахборот тизимиға киритилган маълумотлардан фойдаланган ҳолда ахбороттаҳлилий маълумотларни тайёрлайди.

10. Буортмачи ташкилотларнинг техник назорати, лойиха ташкилотларининг муаллифлик назорати ва пудрат ташкилотларининг ички назорат ҳодимлари обьектларда қурилиш жараёнида аниқланган қоида бузилишлари тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизимиға киритиб боради.

11. Инжиниринг компаниялари:

белгиланган тартибда шакллантирилган йиллик манзилли рўйхатлар ва уларга киритилган ўзгартиришларни;

манзилли рўйхатларни келишиш учун зарур бўлган асословчи бирламчи ва келишиш ҳужжатларини;

қурилиш обьектларида бажарилган ишлар ва молиялаштириш бўйича ойлик ҳисоботлар ва маълумотларни;

Инвестиция дастури мониторингини олиб бориш учун қурилишнинг барча босқичларида тегишли ҳужжатлар ва маълумотлар тўғрисидаги ахборотларни мунтазам равишда ахборот тизимиға киритиб боради.

12. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда манзилли рўйхатларни келишишда ваколатли органлар тасдиқлаган параметрлар асосида буюртмачи ташкилотлар томонидан шакллантирилган ёки киритилган ўзгартиришларнинг манзилли рўйхатларини ҳар бир объект бўйича белгиланган тартибда келишади.

13. Ахборот тизими иштирокчилари тегишли ахборот ва маълумотларни ахборот тизимига белгиланган тартибда ва муддатларда киритиб боради ҳамда уларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги учун жавобгар ҳисобланади.

### **3-боб. Ахборот тизимидан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш**

14. Ахборот тизими фойдаланувчилиари тизимдан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш оператор томонидан амалга оширилади.

15. Фойдаланувчилар ахборот тизимидағи фаолиятни шахсий кабинетлари орқали амалга оширади.

16. Ахборот тизими фойдаланувчилари шахсий кабинетлардан фойдаланишга рухsat олиш учун операторга электрон тарзда сўров юборади.

17. Оператор икки иш куни мобайнида ахборот тизимидан фойдаланувчининг шахсий кабинетини рўйхатдан ўтказади.

### **4-боб. Ахборот тизимининг электрон ҳукумат билан интеграцияси**

18. Ахборот тизими ўзининг функционал вазифаларининг давлат органлари ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси билан интеграциясини ҳамда маълумот алмашинувини таъминлайди.

19. Ахборот тизимининг давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси, шу жумладан, “Электрон ҳукумат”нинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси билан интеграцияси “Электрон ҳукумат”нинг идоралараро интеграция платформаси орқали амалга оширилади.

### **5-боб. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш**

20. Ахборот тизими ва унинг таркибига кирувчи қуи тизимда ва маълумотлар базасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий вазифалари қуидагилар ҳисобланади:

ахборотни саклаш, қайта ишлаш ва узатиш жараёнида ахборот яхлитлигини сақлаш, шунингдек, фойдаланувчиларнинг ваколатлари доирасида ахборотдан фойдаланишни таъминлаш;

ахборотни йўқ қилиш, модификация қилиш, бузиш, кўпайтириш, блокировкалаш бўйича рухсатсиз ҳаракатларни, шунингдек, ахборот ресурсларига ноқонуний аралашишнинг бошқа шаклларининг олдини олиш;

иш жараёнига рухсатсиз таъсир этадиган ва зарар келтирадиган дастурлар киритилишидан, жумладан, компьютер вируслари киритилишидан муҳофаза қилишни таъминлаш;

фойдаланувчилар ҳаракатларининг мониторингини олиб бориш, таҳлил қилиш ва журналда рўйхатга олиш;

фойдаланувчилар хабарларни ўз вактида ва ҳимояланган тарзда узатишини таъминлаш;

ахборот тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлаш.

## **6-боб. Якунловчи қоида**

21. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими  
тұғрисидаги низомга  
1-илова

**“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими таркибига киравчы  
“Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш”  
ахборот тизимининг ишлаш**

**СХЕМАСИ**

**Босқичлар**

**Субъектлар**

**Тадбирлар**


1-босқич	Тизим томонидан автоматик равища	Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш учун электрон шаклда тушган мурожаатни тегишлилиги бүйича ҳудудий қурилиш бошқармасига юбориш.
2-босқич	Худудий қурилиш бошқармаси	Сўровномада қайд этилган маълумотларнинг ҳақконийлигини текшириш.
3-босқич	Худудий қурилиш бошқармаси	Архитектура-режалаштириш топшириғини ахборот тизимида ишлаб чиқиш, электрон шаклда расмийлаштириш ва ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаш.
4-босқич	Худудий қурилиш бошқармаси	Архитектура-режалаштириш топшириғини мурожаат килувчининг электрон манзилига юбориш ва бу ҳақида уни ахборот-коммуникация тизимлари орқали хабардор қилиш (тегишли ҳолларда).
5-босқич	Тизим томонидан автоматик равища	Тасдиқланган архитектура-режалаштириш топшириғини ягона маълумотлар базасига жойлаштириш.

“Шафбоф қурилиш” миллий ахборот тизими  
түғрисида низомга  
2-илова

**“Шафбоф қурилиш” миллий ахборот тизими таркибиға киравчи  
“Лойиха-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш”  
ахборот тизимининг ишлаш**


**СХЕМАСИ**

**Босқичлар**





1-босқич

**Субъектлар**




Тизим  
томонидан  
автоматик  
равища



**Тадбирлар**




2-босқич




Раҳбар



3-босқич




Бош эксперт




4-босқич




Шартномалар  
бўлими



5-босқич



Бош эксперт




6-босқич	Эксперт	<ol style="list-style-type: none"><li>Объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш.</li><li>Экспертиза натижаси бўйича маълумотларни Тизимга киритиш ва экспертиза хulosасини тайёрлаш учун бош экспертга юбориш.</li></ol>
7-босқич	Бош эксперт	<ol style="list-style-type: none"><li>Экспертлар томонидан тақдим этилган маълумотларни кўриб чиқиш ва уларга асосан экспертиза хulosасини тайёрлаш.</li><li>Экспертиза хulosасини тасдиқлаш учун раҳбарга юбориш.</li></ol>
8-босқич	Рахбар	Экспертиза хulosасини ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаш ва буюртмачига юбориш.
9-босқич	Тизим томонидан автоматик равища	Экспертиза хulosасини ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини ягона электрон реестрга жойлаштириш.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими  
тұғрисидаги низомга  
3-илова

**“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими таркибига киравчы  
“Курилиш назораты” ахборот тизимининг ишлаш  
СХЕМАСИ**

**Босқичлар**



**Субъектлар**

Тизим  
томонидан  
автоматик  
равища

**Тадбирлар**

Объект қурилишини (реконструкциясина) бошлаш ҳақида электрон шаклда тушган ҳабарномани тегишилиги бүйича Курилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияга юбориш.

1-босқич

Шартномалар  
бўлими

1. Курилиш (реконструкция) обьекти бўйича қурилиш ишлари назоратини олиб бориш учун шартнома тайёрлаш.

2. Курилиш обьекти бўйича маълумотларни ахборот тизимига киритиш.

3. Курилиш обьекти бўйича буюртмачининг техник назорати, лойиҳачининг муаллифлик назорати ва пудратчининг ички назорат ходимларига ахборот тизимда шахсий кабинетларини рўйхатдан ўtkазиш.

4. Шартнома бўйича тўловлар амалга оширилганидан сўнг қурилш обьекти топшириғини шакллантириш учун раҳбарга юбориш.

2-босқич

Раҳбар

Курилиш обьекти бўйича инспекторларни бириктириш.

3-босқич

Инспектор

1. Курилиш (реконструкция) обьекти ҳудудига чиққан ҳолда ўрганиш ишларини олиб бориш.


2. Назорат натижалари бўйича обьект қурилиши (реконструкцияси) ишларида белгиланган қурилиш меъёrlарини бузиш ҳолатлари аникланса, фотосуратларни бириктирган ҳолда ахборот тизимига киритиш.

3. Қурилиш меъёrlари ва қоидалари

4-босқич



талабларининг бажарилишида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича ёзма кўрсатмани расмийлаштириш ҳамда буюртмачининг техник назорати, лойиҳачининг муаллифлик назорати ва пудратчининг ички назоратига тақдим этиш.



1. Аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда инспекторга тақдим этади.
2. Камчиликлар бартараф этилгандан сўнг тегишли далолатномани тузади ҳамда инспекторга тақдим этади.



1. Буюртмачининг техник назорати, лойиҳачининг муаллифлик назорати ва пудратчининг ички назорати томонидан ахборот тизимиға киритилган маълумотларни текшириш.
2. Буюртмачининг техник назорати, лойиҳачининг муаллифлик назорати ва пудратчининг ички назорати фаолиятини назорат қилиш.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими  
тўғрисидаги низомга  
4-илова

**“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими таркибига киравчи  
“Инвестиция дастурига мувофиқ объектлар мониторингини олиб бориш”  
ахборот тизимининг ишлаш**

**СХЕМАСИ**

**Босқичлар**

**Субъектлар**

**Тадбирлар**

1-босқич

Қурилиш  
вазирлиги

Инвестиция дастурига кирган қурилиш  
объектларини ахборот тизимида киритиши.

2-босқич

Қурилиш  
вазирлиги

Ахборот тизимида киритилган қурилиш  
объектлари бўйича ҳудудий ягона буюртмачи  
хизмати инжиниринг компанияларининг шахсий  
кабинетларини очади.

3-босқич

Ягона  
буюртмачи  
хизмати  
инжиниринг  
компаниялари

Қурилиш обьекти бўйича қурилиш жараёнида  
ишлаб чиқилган архитектура-режалаштириш  
топширигини, лойиҳа-смета ҳужжатларини,  
тузилган шартномаларни ва бошқа тегишли  
ҳужжатларни ахборот тизимида юклайди.

4-босқич

Қурилиш  
вазирлиги

1. Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг  
компаниялари томонидан киритилган  
маълумотлар ва ҳужжатларни назорат қиласди.  
2. Ахборот тизимида киритилган  
маълумотлардан фойдаланган ҳолда ахборот-  
таҳлилий маълумотларни тайёрлайди.

Вазирлар Махкамасининг  
2020 йил “**19**’ ноябр даги **732**сон қарорига  
2-илова

**“Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри”  
географик ахборот тизими тўғрисида  
НИЗОМ**

**1 боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом “Ўзбекистон Республикаси Давлат шаҳарсозлик кадастри” географик ахборот тизими (кейинги ўринларда – геопортал)нинг шаҳарсозлик фаолияти тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланувчи субъектларни, уларнинг вазифалари, жавобгарлиги ҳамда ишлаш тартибини белгилайди.

2. Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**геопортал** – жаҳон интернет ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда ҳудудлар тўғрисидаги фазовий маълумотларга (очик географик ресурсларга, шаҳарсозлик режалаштириш натижаларига, ерни масофадан туриб зондлашнинг ҳудудий маълумотлар банкига) киришни таъминловчи ахборот тизими;

**геопорталнинг ваколатли органи** – Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги;

**геопортал оператори** – геоахборот тизимига техник хизмат кўрсатиш ва ишлашига, шунингдек, “Электрон ҳукумат” билан интеграллашувига масъул “Курилишда муҳандислик изланишлари, геоинформатика ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий-тадқиқот институти” ДУК;

**геопортал иштирокчилари** – шаҳарсозликка оид ахборот алмашинувида иштирок этувчи, геопортал маълумотларидан фойдаланувчи, шунингдек, тегишли фазовий маълумотлар ва метамаълумотларни тақдим этишни таъминлаб берувчи юридик шахслар;

**геопортал фойдаланувчилари** – геопорталдан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар;

**фазовий маълумотлар** – ҳудуддаги объектлар жойлашуви тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳамда муайян шаклда ва координаталар тизимида тақдим этилган ахборот;

**метамаълумотлар** – объектларни идентификациялаш, топиш, баҳолаш ва бошқаришга имкон берувчи ахборот ёки маълумотларларни тавсифловчи тузилмалардан иборат маълумотлар. Метамаълумотлар катта ахборот оқимларидан автоматик равишда қидириб топиш ва уларни бошқаришга рухсат берадиган муайян моҳиятларни тавсифловчи белгилар ва хусусиятлар тўғрисидаги маълумотларни очиб беради;

**мавзуга оид фазовий маълумотлар** – аниқ предметли соҳага таалуқли фазовий маълумотлар;

**қатлам** – маълум ҳудуддаги объектлар тўплами учун умумий бўлган координаталар тизимида бир мавзуга (муҳандислик-коммуникация, автомобиль йўллари ва бошқалар) алоқадор бир тоифадаги фазовий объектларни рақамли ифодалаш мажмуи.

3. Геопортал шаҳарсозликка оид ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш, ишлов бериш, тизимлаштириш ва саклашни таъминлайди ҳамда “Электрон хукумат” доирасида идоралараро ҳамкорликни амалга оширади.

Геопортал Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги шаҳарсозлик фаолиятига оид фазовий маълумотларни излаш, визуаллаштириш, баҳолаш ва яратиш имконини берувчи автоматик тизимдир.

## **2-боб. Геопорталнинг мақсади, функцияси ва вазифалари**

4. Геопорталнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда жисмоний шахсларни шаҳарсозлик кадастри объектлари тўғрисидаги ишончли маълумотлар билан таъминлаш;

шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда идоралараро электрон ҳамкорликни такомиллаштириш;

ҳудудларни бошқариш, транспортга оид инфратузилмани ривожлантириш ва иқтисодиёт тармоқларига тегишли бошқа масалаларни самарали ҳал қилиш учун шарт-шароитлар яратиш.

5. Қуйидагилар геопорталнинг функциялари ҳисобланади:

шаҳарсозлик фаолияти тўғрисидаги фазовий маълумотларни марказлаштирилган тарзда саклаш ва бошқариш;

шаҳарсозлик фаолияти тўғрисидаги фазовий маълумотлар жамланиши, сакланиши ва визуаллаштирилишининг тақсимланган тизимини ташкил қилиш;

бошқарувга оид қарорлар шаклланиши ва қабул қилинишининг ахборот таъминоти, жумладан, ахборотни излаш ва таҳлил қилиш ва фойдаланувчилар томонидан қўлланилиши учун қулай кўринишда тақдим этиш, шунингдек фазовий маълумотларнинг яхлитлиги, ишончлилиги, химояланганлиги ва хавфсизлигини таъминлаш.

6. Қуйидагилар геопорталнинг вазифалари ҳисобланади:

ҳудудлардан амалда фойдаланиш, ҳудудларда қурилиш ишларини амалга ошириш ва ҳудудлар ҳамда шаҳарсозлик фаолияти объектларидан фойдаланиш бўйича регламентлар тўғрисидаги маълумотларни электрон тарзда юритиш;

шаҳарсозлик ҳужжатларидаги ўзгаришлар динамикасини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш;

худудда рўй берадиган ўзгаришларнинг ҳисобини юритиш ва уларнинг тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш;

шаҳарсозлик вазифаларини ҳал қилиш учун давлат органлари ва ташкилотларини ҳамда жисмоний шахсларни геоахборот билан таъминлаш;

шаҳарсозлик фаолияти обьектлари ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш;

худудлар, кўчмас мулк обьектлари, муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма обьектларининг манзилли реестрини шакллантириш;

шаҳарсозлик фаолияти обьектларида амалга оширилаётган лойиха ҳужжатлари ҳисобини юритиш;

шаҳарсозлик фаолиятига оид техник жиҳатдан тартибга солувчи норматив базани юритиш.

шаҳарсозлик фаолияти тўғрисидаги фазовий маълумотларни марказлаштирилган тарзда сақлаш ва бошқариш;

шаҳарсозлик фаолияти тўғрисидаги фазовий маълумотлар жамланиши, сақланиши ва визуаллаштирилишининг таксимланган тизимини ташкил қилиш;

бошқарувга оид қарорлар шакллантирилиши ва қабул қилинишининг ахборот таъминоти, жумладан, ахборотни излаш, таҳлил қилиш ва фойдаланувчилар учун қулай шаклда тақдим этиш, шунингдек, фазовий маълумотларнинг яхлитлиги, ишончлилиги, химояланганлиги ва хавфсизлигини таъминлаш.

7. Геопорталнинг фазовий маълумотларидан фойдаланиш тартиби, технологик тузилмаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги билан келишган ҳолда Курилиш вазирлиги томонидан белгиланади.

8. Геопорталдаги ахборот алмашинуви бўйича ҳамкорлик ва фазовий маълумотлар алмашинуви векторли ва семантик маълумотларни кўриб чиқиши режимида, шунингдек, сўровлар асосида амалга оширилади.

### **3-боб. Геопортал тизими иштирокчиларининг ахборот алмашинуви бўйича ҳамкорлик**

9. Геопортал доирасида ахборот алмашинуви бўйича ҳамкорлик геопорталнинг ваколатли органи, геопорталнинг оператори ва геопорталнинг иштирокчилари сифатида – лойиха-қидирув ташкилотлари, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК ва унинг худудий филиаллари томонидан амалга оширилади.

10. Геопортал ваколатли органи тизим иштирокчилари, таркиби, қатламлар шаклланиши ва долзарблаштирилиши муддатларининг ҳисобини юритади.

11. Геопортал доирасидаги ахборот алмашинуви бўйича ҳамкорлик белгиланган тартибда бепул амалга оширилади.

12. Геопортал иштирокчилари мавзуга оид фазовий маълумотлар ва улар тўғрисидаги маълумотлар долзарблигини таъминлаб, ушбу Низомда назарда тутилган тартибда геопортал операторига тақдим этади.

13. Ахборот алмашинуви бўйича ҳамкорлик геопортал оператори томонидан геопорталга жойлаштирилган ахборот алмашинуви обьектларидан фойдаланиш ташкил қилиниши орқали амалга оширилади.

14. Геопортал доирасидаги ахборот алмашинуви WGS-84 координаталар тизимида амалга оширилади.

Геопорталнинг фазовий маълумотларини тарқатиш жаҳон интернет ахборот тармоғи орқали марказлаштирилган тарзда амалга оширилади.

15. Барча фазовий маълумотлар ва метамаълумотлар геопорталнинг ягона маълумотлар банкида ҳисобга олинади.

Геопорталнинг ягона маълумотлар банки ишлаб чиқилиши учун геопортал оператори масъул ҳисобланади.

16. Геопортал оператори қўйидагиларни:

геопортал маълумотларини жойлаштириш ва саклашга рухсат бериш, рухсатсиз фойдаланишдан уларни ҳимоя қилишни;

геопорталнинг узлуксиз ишлашини;

фазовий маълумотлар алмашинувининг очик, умумий қабул қилинган форматларини кўллаб-куватлашни;

геопортал фазовий маълумотларидан фойдаланиш хукуқларини бошқаришни;

жаҳон интернет ахборот тармоғида эълон қилиш учун мўлжалланган очик ахборотдан кўриб чиқиш режимида фойдаланиш параметрларини созлашни;

геопортал ваколатли органининг геопортал ресурсларидан фойдаланиш бўйича йиғма ҳисботини шакллантиришни таъминлайди.

17. Геопортал ваколатли органи геопорталнинг ягона маълумотлар банкини юритиш учун масъул ҳисобланади.

18. Геопортал иштирокчилари томонидан амалга ошириладиган вазифалар геопортал ваколатли органи томонидан белгиланади.

19. Ягона маълумотлар банкига киритиладиган ахборотлар долзарблиги ва ишонччилиги геопортал иштирокчиси томонидан таъминланади.

#### **4-боб. Геопорталдан фойдаланишга рухсат олиш тартиби**

20. Геопортал иштирокчиси геопортал оператори билан биргаликда геопортал фойдаланувчилари қатламлари таркибини ва геопортал фойдаланувчиларининг тегишли катламларга кириш ваколатлари (очик ёки ёпик) даражасини белгилайди.

21. Геопортал функцияларидан фойдаланишга рухсат олиш учун барча иштирокчилар белгиланган тартибда авторизация ва идентификациядан ўтиши талаб этилади.

Геопорталнинг авторизация қилинмаган иштирокчилари геопорталнинг кўшимча функцияларидан фойдаланиш имкониятисиз унинг факат очик ахборотидан эркин фойдаланиши мумкин.

22. Геопортал иштирокчилари ўз мутахассислари таркибидан ахборот алмашинув объектларининг геопорталда долзарблаштирилиши, тақдим этилиши ва жойлаштирилиши учун масъул шахсларни тайинлайди ва геопорталнинг ваколатли органига ушбу шахсларни геопорталда ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича рўйхатдан ўtkазиш учун ариза жўнатади.

Аризада масъул ходимлар фамилияси, исми ва отасининг исми тўлик кўрсатилган ҳолда рўйхат тақдим этилади.

Аризага қўйидагилар илова қилинади:

маълумотлар диспетчерлари, масъул ходимлар паспортларининг нусхалари;

ушбу ходимлар лавозимга тайинланганлиги ҳақидаги буйруқлар нусхалари;

ходимларнинг геопорталга тегишли маълумотларни киритиш бўйича функционал вазифалари тўғрисидаги маълумотлар.

Геопорталнинг ваколатли органи томонидан ижобий жавоб берилган тақдирда геопортал оператори икки иш куни мобайнида геопорталдан фойдаланишга рухсат олиш учун зарур бўлган рўйхатга олиш маълумотларини (фойдаланувчилар логини ва паролларини) тақдим этади.

Геопортал иштирокчисининг масъул шахсларини рўйхатдан ўtkазиш схемаси ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ амалга оширилади.

23. Геопортал оператори ўз мутахассислари таркибидан геопортал иштирокчилари ўртасидаги ахборот алмашинувини таъминлайдиган масъул шахсларни тайинлайди.

24. Мазкур Низом талаблари геопортал иштирокчисининг масъул ходими томонидан бузилганида, геопортал оператори геопорталнинг ваколатли органи билан келишган ҳолда геопортал иштирокчisi масъул ходимини рўйхат олиш ёзувини ёпиб қўйиш хукуқига эга.

25. Геопортал аъзосининг масъул ходими ёки унинг алоқа маълумотлари ўзгарганда, геопортал аъзоси бир иш куни мобайнида электрон почта манзили орқали операторга хабар беради ва бир иш кунида геопортал оператори вақтинча хизмат кўрсатишни тўхтатади.

Кўрсатилган шахс, шунингдек, геопортал иштирокчisi уч иш кунида геопортал операторига ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ёки геопорталдаги иштирокчи жавобгар шахсининг ҳисобга олиш маълумотларини ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ бекор қилиш учун ариза юборади.

26. Геопортал оператори уч иш куни ичida иштирокчи аризасига биноан геопортал иштирокчisi масъул ходимининг геопорталдан фойдаланиш имкониятини чеклаб қўяди ёки ўзгартиради.

Геопортал иштирокчиси масъул ходимининг геопорталдан фойдаланиш имкониятини чеклаб қўйиш ёки ўзгартириш ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ амалга оширилади.

27. Геопортал иштирокчиси ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ қатламларни яратиш ва уларга кириш хуқуқини тақдим этиш тўғрисидаги аризани геопортал ваколатли органига юборади.

Геопортал ваколатли органи геопортал оператори ва геопортал иштирокчиси масъул ходимларини хабардор қилиш орқали қатламларни яратиш ва уларга кириш хуқуқини рад этади.

28. Геопортал оператори геопорталнинг ваколатли органи томонидан тизимдаги қатламларни яратиш бўйича ариза ижобий кўриб чиқилиши натижалари асосида геопортал иштирокчисининг кейинги хабарномаси билан ўттиз иш куни ичida қатламлар яратади.

29. Геопортал оператори ахборот алмашинув обьектларини жойлаштириш учун геопортал иштирокчилари геопорталдан фойдаланишини таъминлайди.

30. Геопортал оператори геопортал иштирокчилари масъул ходимлари ҳамда геопорталда рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар ҳисобини юритади, геопорталга кириш ва ундан фойдаланиш жараёнларини мувофиқлаштириб боради.

31. Геопортал операторидан рўйхатга олиш маълумотлари ва иштирокчиси учун қатламлар яратилганлиги ҳақидаги ёзма хабар олганидан кейин геопортал иштирокчиси фазовий маълумотларни киритиши, атрибутив ахборотнинг долзарблигини геопортал орқали амалга ошириши мумкин.

32. Геопортал иштирокчисининг фазовий маълумотлари киритилгандан ва/ёки долзарблаштирилгандан кейин геопорталнинг ваколатли органи бир иш кунида геопортал иштирокчисига хат жўнатиш йўли билан ахборот алмашинувининг ҳар бир обьекти киритилганлигини тасдиқлайди ёки ахборот алмашинуви бўйича обьектлар киритилишини сабабларини кўрсатган ҳолда рад этади.

Қатламларни яратиш ва уларга рухсат берилган киришни таъминлаш ушбу Низомга 8-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

33. Геопортал иштирокчиси томонидан қатламдаги фазовий обьектларни бир хил услубда акс эттиришнинг имкони бўлмаса, геопортал иштирокчиси ушбу қатламни қатламлар тўплами сифатида тақдим этиб, геопорталнинг ваколатли органига ушбу Низомга 7-иловада келтирилган шаклга мувофиқ қатламларни яратиш ҳақида ариза жўнатиши талаб этилади.

34. Геопорталнинг бошқа иштирокчисига тегишли ёпиқ қатламларга киришга рухсат олиш зарурати туғилса, геопортал иштирокчиси геопорталнинг ваколатли органига ушбу Низомга 9-иловага мувофиқ кўрсатилган қатламлардан фойдаланиш заруратини асослаб берувчи ҳужжатлар илова қилинган аризани жўнатади.

35. Ёпик қатламлардан фойдаланиш бўйича геопортал иштирокчисидан ариза тушганда геопорталнинг ваколатли органи уч иш куни мобайнида:

геопортал оператори ва аризада кўрсатилган қатламларга бириктирилган геопортал иштирокчисига қатламлардан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисидаги ариза;

қатламлардан фойдаланиш заруратини асослаб берувчи ҳужжатлар нусхаси илова этилган сўров жўнатади.

36. Сўров тушган кундан бошлаб ўн иш кунида сўровга масъул геопортал иштирокчisi ариза берган геопортал иштирокчисига қатламлардан фойдаланишга рухсат бериш ёки рад этиш ҳақидаги қарор тўғрисида, рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда, геопортал операторини электрон почта орқали хабардор қиласди.

Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, геопортал оператори уч иш куни мобайнида геопортал иштирокчисининг масъул вакили учун кўрсатилган қатламлардан фойдаланиш имкониятини яратади.

Ёпик қатламлардан фойдаланишга рухсат олиш тартиби ушбу Низомга 10-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

37. Ёпик қатламлардан фойдаланишга рухсат олиш учун геопортал иштирокчилари геопорталнинг ваколатли органига мурожаат қиласди.

Ўз ўрнида, геопорталнинг ваколатли органи геопортал иштирокчиларига 30 календарь кун мобайнида фойдаланиш бўйича тегишли рухсатни келишилишини таъминлайди.

## **5-боб. Фазовий маълумотларни йиғиши тартиби**

38. Мавзуга оид фазовий маълумотларни геопорталдан фойдаланиб ягона веб-интерфейс орқали йиғиши ва жойлаштириш геопортал иштирокчилари томонидан амалга оширилади ва WGS-84 координаталар тизимида жойлаштирилади.

39. Геопортал иштирокчisi фазовий маълумотларнинг киритилиши ва/ёки долзарблаштирилишини ягона веб-интерфейс воситасида ушбу даврга мувофиқ амалга оширади.

## **6-боб. Фазовий маълумотларни қайта ишлаш тартиби**

40. Мавзуга оид фазовий маълумотларни акс эттириш билан боғлик бўлган муайян ўзгартериш, геопортал иштирокчисининг буюртманомасига кўра геопортал оператори томонидан амалга оширилади.

41. Геопортал иштирокчisi томонидан бир ёки бир нечта ахборот қатламларни ўчириш ушбу Низомга 11-иловага мувофиқ амалга оширилади.

Геопорталнинг ваколатли органи беш иш куни ичида қатламни ўчириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиб, бу ҳақида геопортал оператори ва иштирокчиларини хабардор қиласди.

Геопортал оператори геопорталнинг ваколатли органи қабул қилган қарор натижаларига мувофиқ уч иш кунидан кўрсатилган қатламни геопортал маълумотлар базасидан ушбу Низомга 12-иловага мувофиқ бутунлай ўчириб ташлайди.

42. Ўчирилган қатламни тиклаш зарурати туғилган тақдирда, қатлам иштирокчиси геопорталнинг ваколатли органига қатламни тиклаш асосларини кўрсатган ҳолда ушбу Низомга 13-иловага мувофиқ ариза юборади.

Геопорталнинг ваколатли органи қатламни тиклаш юзасидан беш иш куни мобайнида тегишли қарорни қабул қиласди.

Геопортал оператори геопорталнинг ваколатли органи қарори асосида ўттиз иш куни мобайнида ўчирилган қатламни тиклайди ёки рад этилишини асослайди.

Ўчирилганлигига бир йилдан кўп бўлмаган қатламларгина тегишли тартибда тикланиши мумкин.

43. Агар геопортал иштирокчиси геопортални тўлдириш учун зарур ахборотга эга маълумотлар базаси ёки реестрни юритаётган бўлса, уни геопортал билан бирлаштириш ёки мавзуга оид фазовий маълумотларни геопортал маълумотлар базасига интеграция қилишни ташкил қилиш мумкин.

Геопортал иштирокчиси бу каби ахборот тизимларини бирлаштириш ёки мавзуга оид фазовий маълумотларни геопортал маълумотлар базасига интеграция қилиш имкониятини геопортал оператори билан келишади.

44. Қоғозда қайд этилган ахборот геопортал иштирокчиси томонидан рақамлаштирилиб, геопортал форматида векторланиши ва WGS84 координаталар тизимида келтирилиши талаб этилади.

45. Рақамланган фазовий маълумотлар геопортал маълумотлар базасига юкланишидан олдин геопортал иштирокчиси томонидан электрон жадваллар шаклига келтирилади.

## **7-боб. Фойдаланишнинг ёпиқ даражасидаги ахборотни рухсатсиз тарқатганлик учун жавобгарлик**

46. Геопорталда фойдаланишнинг ёпиқ даражасидаги ахборотдан фойдаланиш хуқуқига эга геопортал иштирокчилари ва фойдаланувчилари мазкур хуқуқни учинчи шахсга тақдим этиши тақиқланади.

47. Геопорталнинг ваколатли органи, геопортал оператори, геопортал иштирокчилари ва геопортал фойдаланувчилари фойдаланишнинг ёпиқ даражасидаги ахборотлардан фойдаланиш хуқукини белгиланган тартибларга зид равишда учинчи шахсга тақдим этса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган тартибда жавоб беради.

48. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**8-боб. Якунловчи қоида**

49. Геопортал фаолияти ваколатли орган таклифига асосан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик  
кадастри” географик ахборот тизими тўғрисидаги  
низамга  
1-илова

**Рўйхатдан ўтиш учун бериладиган ариза шакли  
ТАШКИЛОТ БЛАНКАСИДА**

Ўзбекистон Республикаси  
Курилиш вазирлигига

**Рўйхатдан ўтиш учун ариза**

Ахборот билан тўлдириш ва маълумотлардан фойдаланиш ишларини  
амалга оширишни таъминлаш учун куйидаги мутахассисларга “Ўзбекистон  
Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри” географик ахборот тизими  
геопорталининг қуида санаб ўтилган геоахборот қатламларидан фойдаланиш  
учун рўйхатга олиш маълумотларини беришингизни сўрайман:

Ф.И.О.	Лавозими	Хизмат телефони	Электрон почта манзили	Фойдаланиш имконияти таъминланиши сўралаётган геоахборот қатламлари

(раҳбарнинг лавозими)

(имзо)

(Ф.И.О)

М.ў. \_\_\_\_\_

**Изоҳ.** Ҳар бир мутахассиснинг электрон почта манзили тақорорланмайдиган  
ва ташкилотнинг корпоратив электрон почталарида бўлиши лозим.

“Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик  
кадастри” географик ахборот тизими тўғрисидаги  
низомга  
2-илова

**Геопортал иштирокчисининг масъул шахсларини рўйхатдан ўтказиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддатлари
1-bosqich	Иштирокчи	Геопортал мувофикалаштирувчисига ўз мутахассисларини рўйхатдан ўтказиш учун ариза жўнатади.	Ихтиёрига кўра
2-bosqich	Мувофиқлаштирувчи (Курилии вазирлиги)	Геопорталга киришга рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиб, бу ҳакида геопортал оператори ва геопортал иштирокчisi масъул шахсларини хабардор қилади.	5 иш куни мобайнида
3-bosqich	Оператор	Геопорталдан фойдаланишга рухсат олиш учун зарур бўлган рўйхатга олиш маълумотларини тақдим этади.  Геопортал иштирокчисининг маълумотлар диспетчери ўз шахсини тасдиқловчи хужжатларни (паспорт, хизмат гувоҳномаси) тақдим этиб, шахсан геопортал операторининг масъул шахсидан ўзининг рўйхатга олиш маълумотларини олади. Геопортал иштирокчисининг бошқа шахси паспорт ёки хизмат гувоҳномаси ва ишончномани тақдим этиб, геопортал масъул иштирокчисининг рўйхатга олиш маълумотларини олиши мумкин.	2 иш куни мобайнида

“Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик  
кадастри” географик ахборот тизими тўғрисидаги  
низомга  
З-илова

**Рўйхатдан ўтиш маълумотларини олиш учун ишончнома шакли**  
**ТАШКИЛОТ БЛАНКАСИДА**  
**- сон ИШОНЧНОМА**

(берилган сана)

(вилоят, шаҳар)

асосида иш кўрувчи

(ташкилот номи)

номидан

(лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

ушбу ишончнома орқали корхонанинг

(лавозими)

га

(фамилияси, исми, отасининг исми)

(паспорт серияси № \_\_\_\_\_ да

(берилган санаси)

томонидан берилган,

(ким томонидан берилган)

манзили бўйича рўйхатга олинган

(яшаш манзили)

“Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри” географик ахборот тизими геопортали оператори – \_\_\_\_\_ да бизнинг вакил сифатида, ташкилотимизнинг қуидаги ходимларига геопорталга кириш ва ундан фойдаланиш учун рўйхатга олиш маълумотларини (фойдаланувчиларнинг логин ва пароллари) олиш, шунингдек, ушбу топширик билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириш учун берилди:

Ф.И.О.	Лавозими	Телефон рақами

Ушбу ишончнома ваколатларни бошқа шахсга ўтказмаслик шарти билан  
20 \_\_\_\_ й. “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ гача берилди.

(раҳбарнинг лавозими)

(имзо)

(Ф.И.О.)

M. Ў.

“Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик  
кадастри” географик ахборот тизими тўғрисидаги  
низомга  
4-илова

**Рўйхатга олиш маълумотларини ўзгартариш учун бериладиган  
ариза шакли  
ТАШКИЛОТ БЛАНКАСИДА**

Ўзбекистон Республикаси  
Курилиш вазирлигига

“ЎзГАШКЛИТИ” ДУК

**Рўйхатга олиш маълумотларини ўзгартариш учун  
АРИЗА**

20\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ муносабати билан геопортал иштирокчиси масъул  
ходими *Ф.И.О /лавозими /хизмат телефон рақами /электрон почта манзили*  
маълумотларини ўзгартариб, “Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик  
кадастри” географик ахборот тизимининг қуида санаб ўтилган қатламларидан  
фойдаланишни тақдим этишингизни (бекор қилишингизни) сўрайман.

Ф.И.О.	Лавозими	Хизмат телефоны	Электрон почта манзили	Фойдаланиш учун рўйхатга олиш маълумотлари ўзгартирилиши лозим бўлган геоахборот қатламлари

(раҳбарнинг лавозими)

(имзо)

M. Ў.

(Ф.И.О.)

“Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик  
кадастри” географик ахборот тизими тўғрисидаги  
низомга  
5-илова

**Рўйхатга олиш маълумотларини ўчириш ва фойдаланиш ҳуқуқларини  
бекор қилиш учун**

**АРИЗА**

**ТАШКИЛОТ БЛАНКАСИДА**

Ўзбекистон Республикаси  
Курилиш вазирлигига

“ЎзГАШКЛИТИ” ДУК

“Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри” географик ахборот  
тизими геопортали иштирокчисининг рўйхатга олиш маълумотларини  
ўчириш ва фойдаланиш ҳуқуқларини бекор қилиш учун

**АРИЗА**

20    й. “  ”   

\_\_\_\_\_ муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик  
кадастри” географик ахборот тизимининг геопортали иштирокчисининг рўйхатга  
олиш маълумотларини ўчириб, геопорталнинг қуида санаб ўтилган қатламларидан  
фойдаланиш ҳуқуқларини бекор қилишингизни сўрайман.

Ф.И.О.	Лавозими	Хизмат телефони	Электрон пошта манзили	Фойдаланиш ҳуқуки бекор қилиниши лозим бўлган геоахборот

(раҳбарнинг лавозими)

(имзо)

M. Ў.

(Ф.И.О.)

“Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик  
кадастри” географик ахборот тизими тўғрисидаги  
низомга  
6-илова

**Геопортал иштирокчиларининг рўйхатга олиш  
маълумотларини ўзгартириш ёки бекор қилиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддатлари
1-bosqich	Иштирокчи	Масъул шахс алмашганда ёки у тўғрисидаги маълумотлар ўзгартганда геопортал иштирокчиси бу ҳақида геопортал операторини электрон почта орқали хабардор қиласди.	1 иш куни давомида
2-bosqich	Оператор	Геопортал иштирокчисининг кўрсатилган масъул шахсига хизмат кўрсатишни вақтинча тўхтатиб туради.	1 иш куни давомида
3-bosqich	Иштирокчи	Рўйхатга олиш маълумотларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун геопортал операторига ариза жўнатади.	3 иш куни давомида
4-bosqich	Оператор	Рўйхатга олиш маълумотларини ўзгартириш ёки бекор қилишни амалга оширади.	3 иш куни давомида

**Қатламларни яратиш (таркибини ўзгартириш) учун бериладиган ариза шакли  
ТАШКИЛОТ БЛАНКАСИДА**

Ўзбекистон Республикаси  
Курилиш вазирлигига

**Қатламларни яратиш (таркибини ўзгартириш) учун ариза**

20 \_\_\_\_ й. “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_

“Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри” географик ахборот тизими геопортали доирасида 20 \_\_\_\_ й.  
“\_\_\_\_” \_\_\_\_ -сон Ахборот алмашинуви тўғрисидаги келишувга мувофик \_\_\_\_\_ учун қуйидаги  
қатламларни яратиб (таркибини ўзгартириб) беришингизни сўрайман: *(ташкилот номи)*

Мавзу бўйича бўлим	Қатламнинг номланиши	Қатламнинг фазовий маълумотлари ( <i>географик, атрибутик, семантик, график</i> )	Киритиладиган объектлар тури ( <i>нуқта, чизиқ, полигон</i> )	Киритиладиган объектлар кўриниши ( <i>ранги, ранг билан тўлдирилиши, шакли, штрихланниши ёки график белгиси</i> )	Қатлам объектларининг эҳтимолий кўрсаткичлари ( <i>график белгиларини яратиш учун</i> )	Қатламни шакллантириш муддати	Қатламни долзарблаштириш муддати ва (ёки) даврийлиги	Қатламнинг оммавий кўриниши ( <i>ҳа / йўқ</i> )


*(раҳбарнинг лавозими)*

*(имзо)*

*M. Ў.*

*(Ф.И.О.)*

**Қатламларни яратиш (таркибини ўзгартериш)  
ва уларга рўйхатга олинган киришини ташкил этиш  
СХЕМАСИ**



4-босқич	Иштирокчи	Фазовий маълумотларни киритишни, ахборот алмашинуви объектлари атрибутив ахборотни актуализациясини геопорталнинг ягона веб-интерфейси орқали қатламларни яратиш учун берилган аризада кўрсатилган актуализация даврига мувофиқ амалга оширади.	Доимо
5-босқич	Мувофиқлаштирувчи <i>(Курилиш вазирлиги)</i>	Ахборот алмашинувининг ҳар бир обьекти киритилганини тасдиқлайди ёки ахборот алмашинуви бўйича қайсиdir обьектлар киритилмагани сабабларини кўрсатган ҳолда рад этиб, электрон почта орқали геопортал иштирокчисига хат жўнатиш йўли билан хабардор қиласди.	1 иш куни мобайнида

“Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик  
кадастри” географик ахборот тизими тўғрисидаги  
низомга  
9-илова

**Геопортал бошқа иштирокчиларининг ёпиқ қатламларидан  
фойдаланишга рухсат олиш учун ариза шакли  
ТАШКИЛОТ БЛАНКАСИДА**

Ўзбекистон Республикаси  
Курилиш вазирлигига

“Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри” географик ахборот  
тизими геопортали бошқа иштирокчиларининг ёпиқ қатламларидан фойдаланишга  
рухсат олиш учун

**Ариза**

20 \_\_\_\_ й. “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_

ижозати билан

(ёпиқ қатлам эгаси бўлган иштирокчи, ташкилот номи)

“Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри” географик  
ахборот тизими геопортали иштирокчиси бўлган

(ариза берувчи ташкилот номи)

учун “Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри” географик ахборот  
тизими геопорталининг қуида санаб ўтилган қатламларидан фойдаланишга рухсат  
беришингизни сўрайман:

Ф.И.О.	Лавозими	Хизмат телефони	Электрон почта манзили	Фойдаланиш учун рухсат берилиши сўралаётган геоахборот қатламлари

Рухсат тақдим этилиши учун асослар илова қилинади.

(раҳбарнинг лавозими)

(имзо) М. Ў.

(Ф.И.О.)

“Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик  
кадастри” географик ахборот тизими тўғрисидаги  
низомга  
10-илова

**Геопортал бошқа иштирокчисининг ёпиқ қатламларидан  
фойдаланишга рухсат олиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбир	Ижро муддати
1-bosqich	Иштирокчи	Геопортал бошқа иштирокчисининг кўрсатилган қатламларидан фойдаланишга рухсат берилишини асословчи хужжатларни илова килган ҳолда геопортал мувофиқлаштирувчисига ариза жўнатади.	Ихтиёрий
2-bosqich	Мувофиқлаштирувчи (Курилиши вазирлиги)	Геопортал оператори ва аризада кўрсатилган, фойдаланиш учун ариза тақдим этилган қатламлар эгаси ҳисобланган геопорталнинг бошқа иштирокчисига кўрсатилган қатламлардан фойдаланишга рухсат бериш учун фойдаланишга рухсат берилишини асословчи хужжатларнинг нусхасини илова килган ҳолда сўров жўнатади.	3 иш куни мобайнида
3-bosqich	Бошқа иштирокчи	Ариза берган геопортал иштирокчисига қатламлардан фойдаланишга рухсат берилиши ёки рад этилиши ҳақидаги қарор ҳакида, рад этишининг сабабларини кўрсатган ҳолда, геопортал операторини ёзма равишида ёки электрон почта орқали хабардор қиласди.	10 иш куни мобайнида
4-bosqich	Оператор	Геопортал бошқа иштирокчисининг ижобий қарори натижаларига кўра кўрсатилган қатламлардан фойдаланиш имкониятини тақдим этади.	3 иш куни мобайнида

“Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик  
кадастри” географик ахборот тизими тўғрисидаги  
низомга  
11-илова

**Қатлам (қатламлар)ни ўчириш учун бериладиган ариза шакли**

**ТАШКИЛОТ БЛАНКАСИДА**

Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш вазирлигига

**Қатлам (қатламлар)ни ўчириш учун  
Ариза**

20 \_\_\_\_ й. “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ учун олдин яратилган қуйидаги  
*(ташкилот номи)*  
қатлам (қатламлар)ни ўчиришингизни сўрайман.

Мавзуга оид бўлим	Қатламнинг номланиши	Қатламни ўчириш сабаби

*(раҳбарнинг лавозими)*

*(имзо)*

*M. Ў.*

*(Ф.И.О.)*

“Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик  
кадастри” географик ахборот тизими тўғрисидаги  
низомга  
12-илова

## Геопортал иштирокчиси қатлами (қатламлари)ни ўчириш СХЕМАСИ



“Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик  
кадастри” географик ахборот тизими тўғрисидаги  
низомга  
13-илова

**Ўчириб юборилган объектлар (қатламлар)ни қайта тиклаш учун бериладиган ариза шакли  
ТАШКИЛОТ БЛАНКАСИДА**

Ўзбекистон Республикаси  
Курилиш вазирлигига

**Ўчириб юборилган объектлар (қатламлар)ни қайта тиклаш учун ариза**

20 \_\_\_\_ й. “ \_\_\_\_ ”

\_\_\_\_\_ учун қуидаги ўчириб юборилган  
(ташкилот номи)  
объектлар (қатламлар)ни қайта тиклаб беришингизни сўрайман:

Қатламнинг номи	Объектнинг номи	Манзил ва/ёки координатага боғлиқлиги (объектнинг координатаси, жойлашган манзили)	Объект тўғрисидаги маълумотлар (географик, атрибутив, семантич, график маълумотлар)	Кирилладиган объектлар тури (нуқта, чизик, полигон)	Кирилладиган объектлар кўриниши (ранги, ранг билан тўлдирилиши, шакли, штрихланиши) ёки график белгиси)	Бириткирилган файллар номи (агар мавжуд бўлган бўлса)	Объектни қайта тиклашнинг асоси
1	2	3	4	5	6	7	

(раҳбарнинг лавозими)

(имзо)

М. Ў.

(Ф.И.О.)

**Ўчириб юборилган объектлар (қатламлар)ни қайта тиклаш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддатлари
1-босқич	Иштирокчи	Геопортал мувофиқлаштирувчисига сабабларини кўрсатган ҳолда, ўчирилган объектлар (қатламлар)ни қайта тиклашни сўраб мурожаат қиласди.	Ихтиёрига кўра
2-босқич	Мувофиқлаштирувчи (Курилиш вазирлиги)	Геопортал мувофиқлаштирувчиси ўчирилган объектлар (қатламлар)ни қайта тиклаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиб, бу ҳакида геопортал оператори ва иштирокчиларини хабардор қиласди.	5 иш куни мобайнида
3-босқич	Оператор	Геопортал мувофиқлаштирувчиси қабул қилган қарор натижаларига мувофик ўчирилган объектлар (қатламлар)ни қайта тиклаш ишларини бажаради ёки қайта тиклаш имкони мавжуд эмаслиги тўғрисида асосланган рад жавобини беради.	30 иш куни мобайнида

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “19” ноябрдаги 732 сон қарорига  
3-илова

**“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ва “Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри”  
географик ахборот тизимини янада ривожлантириш ва уларнинг “Электрон ҳукумат” тизимига  
интеграциялашуви бўйича  
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
1.	“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими)ни республика худудларида жорий этиш.	1. Ахборот тизимини республиканинг барча худудларида тест режимида жорий этиш режа-жадвалини ишлаб чикиш ва тасдиқлаш. 2. Республиkaning барча худудларида ахборот тизимини тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ синов тарикасида ишга тушириш. 3. Ахборот тизимининг Ўзбекистон Республикасининг барча худудларида реал вакт режимида ишлашини таъминлаш.	2020 йил декабрь 2020 йил октябрь-декабрь 2020 йил декабрь	Курилиш вазирлиги, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
2.	Тест режимидаги синов натижаларидан келиб чиққан ҳолда Ахборот тизимини такомиллаштириш.	Синов эксплуатацияси давомида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш.	2020 йил 1 декабрга қадар	Курилиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
3.	Геопортални жорий этиш.	1. Геопортални тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ синов тарикасида ишга тушириш. 2. Геопорталнинг реал вакт режимида ишлашини таъминлаш.	Тасдиқланган режа-жадвалга асосан 2021 йил январь	Курилиш вазирлиги, “Ўзшахарсозлик ЛИТИ” ДУК

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
4.	Курилиш вазирлиги туман ва шаҳар қурилиш бошқармаларини компьютер ва ташкилий техника билан таъминлаш.	<p>1. Курилиш вазирлигининг туман ва шаҳар қурилиш бошқармаларида компьютер ва ташкилий техникага бўлган эҳтиёжини ўрганиш.</p> <p>2. Зарур компьютер ва ташкилий техника воситаларини харид қилиш ва Курилиш вазирлигининг туман ва шаҳар қурилиш бошқармалари ўртасида тақсимлаш.</p> <p>3. Курилиш вазирлиги туман ва шаҳар қурилиш бошқармаларининг интернет тармогига уланишини таъминлаш.</p>	<p>2020 йил 1 декабрга қадар</p> <p>Режа-жадвалга мувофиқ</p> <p>Режа-жадвалга мувофиқ</p>	Курилиш вазирлиги
5.	Ахборот тизимининг бошқа ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграциялашуви ҳамда ахборот алмашинуви бўйича ҳамкорликни таъминлаш.	<p>1. Ахборот тизимининг бошқа ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграциялашуви бўйича технологик йўрикномани ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Ахборот тизимининг “Электрон ҳукумат” тизимлари билан интеграциялашувини таъминлаш.</p> <p>3. Ахборот тизимининг юридик шахсларнинг маълумотлар базалари билан интеграциялашувини таъминлаш.</p> <p>4. Ахборот тизимининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда Давлат хизматлари агентлиги тизими билан интеграциялашувини таъминлаш.</p> <p>5. Ахборот тизимининг Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат статистика қўмитаси ахборот тизимлари билан интеграциялашувини таъминлаш.</p> <p>6. Ахборот тизимининг “Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри”</p>	<p>2020 йил 1 декабрга қадар</p> <p>2021 йил 1 январга қадар</p>	<p>Курилиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Давлат хизматлари агентлиги, вазирликлар ва идоралар</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
		географик ахборот тизими билан интеграциялашуви таъминлаш.  7. Ахборот тизимининг зарурат туғилганда бошқа ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграциялашуви таъминлаш.	1 январга қадар  2021 йил 1 январга қадар	
6.	Геопорталнинг бошқа ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграциялашуви ҳамда ахборот алмашинуви бўйича ҳамкорлигини таъминлаш.	1. Геопорталнинг интеграциялашуви бўйича Техник йўриқномани ишлаб чиқиш.  2. Геопорталнинг “Давлат кадастрлари ягона тизими” ва “Кўчмас мулк обьектлари манзиллари ягона реестри” электрон ахборот тизимлари билан интеграциялашуви ва ахборот алмашинуви бўйича ҳамкорлигини таъминлаш.	2020 йил декабрь  2021 йил январь	Курилиш вазирлиги, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, Кадастр агентлиги
7.	Ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича Курилиш вазирлиги ва унинг худудий бўлинмалари ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш.	1. Ахборот тизими фойдаланувчилар рўйхатини шакллантириш.  2. Ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича ўқув материаллари, йўриқномалар, видео материаллар ва бошқа кўлланмаларни тайёрлаш.  3. Ахборот тизими фойдаланувчилари малакасини ошириш бўйича ўқув семинарларини ташкил қилиш ва ўтказиш.	2020 йил декабрь  2021 йил 1 январга қадар  2021 йил давомида	Курилиш вазирлиги
8.	Курилиш вазирлиги ва унинг худудий бўлинмалари ходимларини Геопорталдан фойдаланиш бўйича ўқитиш ва малакасини ошириш.	1. Геопортал фойдаланувчилари рўйхатини шакллантириш.  2. Геопорталдан фойдаланиш бўйича ўқув материаллари, йўриқномалар, видео материаллар ва бошқа кўлланмаларни тайёрлаш.  3. Геопортал фойдаланувчиларининг малакасини ошириш бўйича ўқув семинарларини ташкил қилиш ва ўтказиш.	2020 йил 1 декабрга қадар  2020 йил 1 декабрга қадар  2021 йил давомида	Курилиш вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
9.	Ахборот тизими ҳамда Геопорталнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш.	Ахборот тизими ҳамда Геопортални техник қўллаб-қуватлаш ва узлуксиз ишлаши бўйича техник ва ташкилий чоралар амалга оширилишини таъминлаш.	Доимий равища	Курилиш вазирлиги
10.	<p>Архитектура ва қурилиш соҳасига оид куйидаги давлат хизматларини рақамлаштириш:</p> <p>объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсатнома бериш;</p> <p>объектларнинг лойиха-смета хужжатларини келишиш (Эскиз);</p> <p>якка тартибда уй-жой қуришга (реконструкция қилишга) лойиха-смета хужжатларини келишиш;</p> <p>қурилиши (реконструкцияси) тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш.</p>	<p>1. Архитектура ва қурилиш соҳасига оид давлат хизматларини хатловдан ўтказиш.</p> <p>2. Архитектура ва қурилиш соҳасидаги давлат хизматларини автоматлаштириш ва рақамлаштириш мақсадида тегишли ахборот тизимларини ҳамда маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.</p> <p>3. Ишлаб чиқилган ахборот тизимларининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда Давлат хизматлари агентлиги тизими билан интеграциялшувини таъминлаш.</p>	<p>2021 йил январь</p> <p>2021 йил март</p> <p>2021 йил апрель</p>	Курилиш вазирлиги, Давлат хизматлари агентлиги
11.	Ахборот тизими ҳамда Геопортални модернизациялаш ва янада такомиллаштириш.	Ахборот тизими ҳамда Геопортални модернизациялаш ва янада такомиллаштириш бўйича техник ва ташкилий чоралар амалга оширилишини таъминлаш.	Доимий равища	Курилиш вазирлиги

